

---

Ўзбекистон тумани вакиллари “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчилари” дея эътироф этилди

Фарғонада “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ёшлар етакчиларини рағбатлантириш, юксак билимли ва профессионал касбий маҳоратга эга бўлган истеъдодли ёш кадрларни аниқлаш, раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган тадбирда Ўзбекистон тумани вакилларининг фаолияти ҳам муносиб эътироф этилди.

Танловда “Ёшлар баланси” тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси”, “Ёшлар дафтари” тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси”, “Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси” каби 10 та йўналиш кесимида иштирокчиларнинг фаолиятига баҳо берилди.

Хусусан, якуний натижаларга кўра, Ўзбекистон туманилик 7 нафар ёшлар етакчилари муносиб ўринларга эга чиқди. Улардан “Туркистон”, “Қайнар” ва “Даштчўлпон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлар етакчилари ғолиб деб топилди, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танлов ғолиблари ташкилотчилари томонидан диплом ва пул мукофотлари билан билан тақдирланди.

2024-12-02 12:21:01